

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 02/30.01.2020. К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РАХИМОВА ШАХНОЗА ХАКИМДЖАНОВНА**

***CARICA PAPAYA* ЛАТЕКСИДАН КУКУМАЗИМ  
СУБСТАНЦИЯСИНИ ВА МАККАЖЎХОРИ ДОНИДАН АЛЬБУМИН  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.10-Биоорганик кимё**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ташкент - 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(PhD) по техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Рахимова Шахноза Хакимджановна**

*Carica papaya* латексидан Кукумазим субстанциясини ва маккажўхори донидан альбумин олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

.

**Рахимова Шахноза Хакимджановна**

Разработка технологии получения субстанции Кукумазим из латекса *Carica papaya* и альбуминов из зерна кукурузы.....21

**Rakhimova Shakhnoza Hakimdjanovna**

Development of technologies for producing the drug substance of Kukumazim from *Carica papaya* latex and albumins from corn grain.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 02/30.01.2020. К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РАХИМОВА ШАХНОЗА ХАКИМДЖАНОВНА**

***CARICA PAPAYA* ЛАТЕКСИДАН КУКУМАЗИМ  
СУБСТАНЦИЯСИНИ ВА МАККАЖЎХОРИ ДОНИДАН АЛЬБУМИН  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.10 - Биоорганик кимё**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ташкент - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т1044 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) ([www.uzicps.uz](http://www.uzicps.uz)) ва «Ziynet» ахборот–таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Сағдуллаев Шамансур Шахсаидович  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Садиков Алимджан Заирович  
техника фанлари доктори

Сағдиев Наил Жадитович  
кимё фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail [plant\\_inst@icps.org.uz](mailto:plant_inst@icps.org.uz), [ixrv@mail.ru](mailto:ixrv@mail.ru)).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: [nhidirova@yandex.ru](mailto:nhidirova@yandex.ru)).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.С. Нормоҳаматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси муовини, к.ф.д.

**Н.К. Хидирова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.н.

**С.Ф. Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д. проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда, фармацевтика бозорида ўсимликлардан ажратиб олинган ферментлар асосидаги дори воситаларини олиш соҳасида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий биотехнологияда фермент дори воситаларини ишлаб чиқариш етакчи ўринларда бўлиб, қўлланилиш доираси тобора кенгайиб бораётганлиги сабабли саноат миқёсида маҳсулотга талаб доимий равишда ўсиб бормоқда. Шунинг учун, доривор ўсимликларни қайта ишлаб фаол табиий бирикмаларни ажратиб олиш ва улар асосида юқори терапевтик самарага эга оксил ва фермент дори воситалари ишлаб чиқаришнинг рационал, иқтисодий самарадор технологияларини яратиш катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда жаҳонда биологик фаол бирикмаларга бой ўсимлик манбаларини излаб топиш ва улар асосида дори асослари, дори воситалари олиш бўйича қуйидаги илмий ва амалий илмий ечимларни асослаш: «Кукумазим» дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлаш; хом ашёни экстракция қилиш жараёнини оптимал шароитларини топиш ҳамда жараёнларни назорат қилиш усулини ишлаб чиқиш; маҳаллий маккажўхори донининг технологик параметрлари ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш; маккажўхори донидан оксил фракциясини ажратиб олиш ва ундан биологик фаолликга эга бўлган субстанцияларни ишлаб чиқариш саноат технологиясини яратиш зарур.

Республикамизни маҳаллий ҳом-ашё асосида ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган<sup>1</sup>. Бу борада, жумладан, маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг тузилиши ва фаоллигини тадқиқ этиш, улар асосида янги самарали дори воситаларини олиш ва уларнинг ишлаб чиқариш технологияларини яратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019–2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон флорасида муносиб ўрин тутган *Carica papaya* қовун дарахтининг фитокимёвий таркиби бўйича турли мамлакатларнинг етакчи мутахассислари томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Teixeira da Silva, Moussaoui A. El., Krishna K.M., Satrija F. P. каби хорижий олимлар дори воситалари олиш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борган.

Маккажўхорининг фитокимёвий ва фармакологик таҳлиллари бўйича жаҳонда Alexandru B. GHETE, Naq Nawaz, J. Sun, Tam JP, Wang CK. каби хорижий олимлар комплекс физик кимёвий изланишлар олиб боришган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда тадқиқотчилар Зузук М., Пенджиев А.М., Крахмалева Т.М. лар томонидан *Carica papaya* дарахтидан дори воситалари олиш бўйича илмий изланишлар бажарилган.

Дон туркумларининг физиологияси, протеиназа ингибиторлари, уларнинг биологик фаоллиги юзасидан Валуева Т.А., Мосолов В.В. лар жуда чуқур илмий изланишлар олиб боришган.

Юртимиз олимларидан проф. Юлдашев П.Х., Редина Э.Ф., Межлумян Л.Г., Касимова Т.Д., Хушбактова З.А., Сыров В.Н ва бошқалар томонидан *Carica papaya* қовун дарахтининг етилмаган мевалари протеолитик ферментларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлиб натижада оксил табиатли некротик тўқималарни парчалашда қўлланиладиган Кукумазим 50 ПЕ дори воситаси тиббиёт амалиётига жорий қилинган.

Маккажўхори донини етиштириш ҳамда янги маҳаллий навлар яратиш бўйича олим - селекционерлар Массино И.В. ва Массино С.И. ва бошқалар томонидан изланишлар ўтказилган. Шунга қарамасдан, мамлакатимизда маҳаллий хом ашёлар асосида олинган биологик фаол моддалар ва «Кукумазим» субстанциясини ишлаб чиқаришда протеолитик ферментлар унумини ошириш учун, ишлаб чиқаришни босқичма-босқич назорат қилиш, экстракция жараёнини математик моделлаштириш ҳамда янада маҳсулот унумини ошириш учун хом ашёни экстракция қилиш жараёнида ультратовушдан фойдаланиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Ўзбекистонда етиштирилган маккажўхори донининг кимёвий таркиби, ажратиб олинган субстанцияларнинг биологик фаоллиги бўйича тадқиқотлар ушбу илмий ишда илк бор бажарилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан**

**боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалар кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И6-ФА-Т039 рақамли «*Carica papaya* қовун дарахтидан олинган субстанция асосида импорт ўрнини босувчи янги дори шакллари ишлаб чиқиш» (2016-2017 йй.), ФА-А11-Т037 рақамли «Пребиотик фаолликга эга полисахаридлар ҳамда антихолестеринимик хусусиятга эга қуйи молекулали оқсилларга асосланган маккажўхоридан биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Carica papaya* қовун дарахтининг етилмаган мевалари латексидан суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқиманинг касалликларини даволовчи Кукумазим дори воситаси субстанциясини ва Кукумазим 350 ПЕ тайёр дори шаклини ҳамда Ўзбекистон 420 ВЛ навли маккажўхори донлари оқсилларидан қондаги қанд миқдорини ва вазнини меъёрловчи биологик фаол қўшимчасини саноат ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Кукумазим» дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот унуми ва сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

хом ашёни экстракция қилиш жараёнини оптимал шароитларини топиш учун Бокс-Уилсон усули ёрдамида математик режалаштириш орқали мўтадил шароитларини аниқлаш ҳамда жараёнларни босқичма-босқич назорат қилиш усулини ишлаб чиқиш;

«Кукумазим 350 ПЕ» дори воситаси тайёр дори шакли учун меъёрий-техник хужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш;

маҳаллий маккажўхори донининг технологик параметрлари ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

маккажўхори донидан оқсил - альбумин фракциясини ажратиб олиш ва ундан биологик фаолликка эга бўлган протеиназа ингибитори субстанциясини ишлаб чиқариш саноат технологиясини яратиш;

протеиназа ингибитори субстанциясини (БФҚ) биологик фаоллигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Carica papaya* дарахтининг етилмаган мевалари латекси ҳамда маҳаллий маккажўхори навларининг донидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** *Carica papaya* қовун дарахтининг етилмаган мевалари латексидан дори воситасини ва маккажўхори донининг оқсил-альбумин фракциясидан биологик фаол қўшимча олишда уларнинг молекуляр, кимёвий хусусиятларини, биологик фаоллигини аниқлаш ва рационал технологияларини яратиш, шунингдек олинган субстанциянинг фармако-токсикологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида турли хил технологик, физикавий, кимёвий, иммунокимёвий, статистик ва бошқа

таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор *Carica papaya* дарахтининг етилмаган мевалари латексидан Кукумазим дори воситаси субстанцияси ҳамда маккажўхори донларидан оксил - альбумин фракциясини экстракция қилиш жараёнида ультратовуш қўлланилиб жараён такомиллаштирилган ва маҳсулотларнинг юқори унумли бўлиши аниқланган;

Кукумазим ва оксил-альбумин фракцияси субстанцияларини математик режалаштириш (Бокс Уильсон) усули асосида хом ашёдан экстракция қилиб олиш жараёнларининг оптимал шароитлари аниқланган;

Кукумазим дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш жараёнларини спектрофотометрик услуби асосида босқичма босқич назорати ишлаб чиқилган;

илк бор хомашё сифатида фойдаланиш учун маккажўхори навларини технологик параметрлари ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган; маккажўхорининг Ўзбекистон 420ВЛ нави донларидан оксил-альбумин фракцияси ажратиб олиниб унинг гипохолестеринимик, гипогликемик ҳамда ортиқча вазни меъёрловчи фаолликлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

ўсимлик моддалари кимёси институти тажриба ишлаб чиқариш корхонасида янги такомиллаштирилган саноат усулида Кукумазим дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш бўйича саноат қурилмаси тизими яратилган;

тиббиёт амалиётида умуртқалараро чурраларни даволашда қўлланилувчи янги Кукумазим 350 ПЕ дори воситаси тайёр дори шаклини ишлаб чиқишга рўйхатдан ўтказилган;

меъёрий техник хужжатларни ишлаб чиқиш, фармако-токсикологик ва клиник синовларни таъминлаш учун Кукумазим субстанцияси ва тайёр дори шакли намуналари етарли миқдорда ишлаб чиқарилган.

Кукумазим дори воситаси субстанцияси ва тайёр дори шаклини ишлаб чиқаришни тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш учун барча меъёрий техник хужжатлар: фармакопея мақолалари - ФМ 42 Уз-0235-2018 «Кукумазим-субстанция»; ФМ 42 Уз-2098-2019 «Кукумазим 350 ПЕ»- тайёр дори шакли ва СР 42 Уз-03873/03535440-1029-2020 - Кукумазим субстанциясини саноат ишлаб чиқариш регламенти» ишлаб чиқилган ва ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларнинг замонавий физик-кимёвий, биологик ҳамда технологик усулларни қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, тадқиқотларни тақриз қилинадиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан тасдиқланади.

Шунингдек, ЎзР ССВ ФРА «ДВ ТБ ва ТТЭСДМ» ДУК томонидан 2 та фармакопея мақолаларининг тасдиқланганлиги ҳамда ишлаб чиқарилаётган дори воситаси субстанцияси ва тайёр дори шакллариغا рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларининг берилганлиги билан ҳам тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, *Carica papaya* қовун дарахтининг етилмаган мевалари латексидан «Кукумазим» субстанцияси ва маҳаллий маккажўхори донлари оксил-альбумин фракцияси асосида БФҚ ишлаб чиқариш Республикамиз фармацевтик корхоналари технологик шароитларига мос равишда ишлаб чиқилган ва яратилган технологик схемаларини илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *Carica papaya* қовун дарахтининг етилмаган мевалари латексидан олинган самарали восита суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқималарнинг касалликларини даволашда дори воситасининг янги дори шакли - «Кукумазим 350ПЕ» дори воситаси тиббиёт амалиётига тавсия қилинганлиги ва ишлаб чиқаришга рухсат олинганлиги билан изоҳланади ҳамда маҳаллий, истиқболли маккажўхори донларидан оксил-альбумин фракцияси-бифункционал ингибитор асосида вазни меъёрловчи, гипохолестеринимик ва гипогликемик таъсирга эга БФҚни қўллашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кукумазим дори воситаси ва оксил-альбумин фракцияси биологик фаол қўшимчаси субстанцияларини технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маккажўхори донларидан ортиқча вазни профилактика қилиш учун қўлланиладиган биологик фаол қўшимча олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 04266, 2010 й.). Натижада, маккажўхори донлари асосида оксил-альбумин фракцияси (протеиназа ингибитори) – вазни меъёрловчи БФҚ олиш имконини берган;

оксил-альбумин фракцияси протеиназа ингибиторларини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05644, 2018 й.). Натижада, маккажўхори донидан гипохолестеринимик ва гипогликемик фаолликга эга БФҚ субстанциясини яратишдаги хомашёни экстракция қилиш жараёнида ультатовуш ишловини муваффақиятли қўллаш имконини берган;

*Carica papaya* қовун дарахтининг етилмаган мевалари латексидан Кукумазим субстанциясини ишлаб чиқаришни такомиллаштирилган технологияси Ўсимлик моддалари кимёси институти ТИЧК базасида серияли равишда ишлаб чиқаришга жорий этилган (гувоҳнома, DV/M02552/05/19). Натижада импорт ўрнини босувчи препарат ишлаб чиқариш имконини берган;

суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқималарнинг касалликларини

даволаш учун Кукумазим 350 ПЕ дори воситаси тайёр дори шакли ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (гувоҳнома, DV/M02552/05/19). Натижада маҳаллий дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 та хорижий ва 4 та республика журналларида нашр этилган, 2 та патент олинган. Кукумазим субстанцияси ва Кукумазим 350 ПЕ тайёр дори шакли учун фармакопея мақолалари ва Кукумазим субстанциясини ишлаб чиқариш саноат регламенти юқори ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтазилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «*Carica papaya linn* қовун дарахти ва *Zea mize* маккажўхори оқсилларининг тавсифи, ажратиб олиш ва тозалашнинг замонавий услублари, улар асосидаги олинган дори воситалари» бобида диссертация мавзуси бўйича илмий изланишларнинг шарҳи келтирилган бўлиб, *Carica papaya linn* қовун дарахти ферментлари ва маккажўхори оқсил моддалари ва биологик фаолликларига асосланган маълумотларни ўз ичига олади. Шунингдек, *Carica papaya linn* латексидан олинган дори воситалари ҳамда биологик фаол бўлган оқсил асосидаги дори воситаларини ажратиб олишда технологик жараёнларга оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи «*Carica papaya* қовун дарахти етилмаган мевалари латексидан «Кукумазим» дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси» деб номланган бобида тадқиқот объекти яъни «Кукумазим» дори воситаси субстанцияси ҳақида маълумот келтирилган. Шунингдек, диссертациянинг ушбу боби Кукумазим субстанциясини технологиясини ишлаб чиқишда олиб борилган кимёвий ва

технологик изланишлар натижаларига бағишланган. «Кукумазим» дори воситаси субстанцияси технологиясини ишлаб чиқишда хом ашё сифатида *Carica papaya* қовун дарахтининг етилмаган мевалари ширасидан (латекс) фойдаланилган бўлиб, у кенг қамровли таъсирга эга протеолитик ферментларни ўзида сақлайди. Кукумазим субстанцияси - физиолигик эритмада яхши эрувчи лиофил куритилган оқ рангдаги кукун, 96% спиртда, метанол, хлороформда эримайди, протеолитик фаоллиги 4800-5000 ПЕ/гр.

*Carica papaya* - қовун дарахти етилмаган мевалари латексини экстракция қилиш жараёнини оптималлаштиришни Бокс Уилсон усули асосида математик режалаштириши. Хом ашёни экстракция қилиш жараёнига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш, уларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш, ҳамда Кукумазим дори воситасини хом ашёдан унумини ошириш учун экстракция жараёнини Бокс Уилсон усули билан оптималлаштирилди. Жараёнга таъсир этувчи факторлар ( $X_1$ -гидромодул,  $X_2$ -ультратовуш тебраниш частотаси,  $X_3$ -экстракция давомийлиги,  $X_4$ - жараён ҳарорати), уларни асосий поғоналари ва поғоналаш оралиқлари аниқланиб жараён учун тузилган матрица асосида тажрибалар ўтказилди. Тажрибалардан олинган натижалар асосида регрессия тенгламаси тақдим этилди.

$$Y=79,48+3,2x_1+4,1x_2+1,4x_3+0,81x_4$$

Олинган ушбу экстракция жараёнини моделини адекватлигини аниқлаш, тенглама коэффициентларини таъсир кучини ўрганиш статистик маълумотлари олинди. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида ушбу тенглама коэффициентлари учун  $v_{bi}=\pm 2,8$  аниқланиб хом ашёни экстракция қилиш жараёнига таъсир этувчи барча омилларнинг қийматдорлиги топилди.

Шундай қилиб, Кукумазим субстанциясини латекс хом ашёсидан экстракция қилиш жараёни учун асосий факторлар - гидромодул 1:10, ультратовуш тебраниш частотаси 35 кГц, экстракция жараёни давомийлиги 15 дақ. оптимал эканлиги топилди. Натижада, субстанция унуми хом ашёда сақланишига нисбатан 92% дан юқори бўлишига эришилди.

*Экстракция қилиб олинган ферментларни тозалаш.* *Carica papaya* қовун дарахтининг етилмаган мевалари латексидан экстракция қилиб олинган протеолитик ферментлар комплексини аммоний сульфат тузи ёрдамида чўктириб олинди (3-жадвал).

### 3-жадвал


#### Аммоний сульфат тузининг протеолитик ферментлар комплексини чўктиришга таъсири

Тузланиш даражаси, %	Аммоний сульфат, 100 мл/гр	Протеолитик ферментлар миқдори, %
30	25,34	13,74
45	26,43	14,95
60	40,67	27,06
80	52,58	27,55
90	61,27	27,48


Натижада, аммоний сульфат тузи билан 60%- ли тўйинтирилганида протеолитик ферментлар комплексининг унуми хом ашё массасига нисбатан 27 % ни ташкил этди.

Чўктириб олинган протеолитик ферментлар комплексини куйи молекулали моддалардан тозалаш диализ усулида амалга оширилди. Диализ учун мембрана сифатида биртамонлама ўтказувчи диализ филтрларидан фойдаланилди. Диализ ёрдамида тозаланган суспензия лиофил куритиш усулида стерил шароитларида куритилди. Маҳсулотнинг унуми латексда сақланишига нисбатан 90% ни ташкил этди.

*Протеолитик ферментлар комплекси - «Кукумазим» субстанциясининг биологик хусусиятларига хом ашёни экстракция қилиш жараёнида ультратовушни таъсирини ўрганиши.* Кукумазим субстанциясини хомашёдан ажратиб олишда қўлланилаётган ультратовушнинг таъсирини аниқлаш учун биз хомашёдан Кукумазим субстанциясини ультратовуш остида ва ультратовушсиз экстракция қилиш жараёнларини ўрганиб хомашёдан Кукумазим субстанциясини экстракция қилишда маҳсулотнинг биологик хусусиятларига таъсир этмаслигини аниқладик (2-3 расмлар).




**2-расм. Кукумазим субстанцияси хромограммаси (ультратовушсиз)**




**3-расм. Кукумазим субстанцияси хромограммаси (ультратовушли)**

Яратилган янги технология бўйича олинган Кукумазим субстанциясини бошқа давлат фармацевтик компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган Карипазим, Лекозим каби дори воситалари билан электрофорез усули билан қиёсий таҳлил олиб борилганда уларнинг таркиби ўзаро фарқ қилмаслиги олинган натижалардан маълум бўлди (1-расм).



**1-расм. Папайя латексининг комплекс протеиназалари электрофореграммаси протеолитик ферментлар комплекси -кукумазим (а), алоҳида компонентлари (б,в,г), Карипазим (д) Лекозим (е)**

Ультратовуш экстракциясининг Кукумазим субстанцияси оксил молекулалари тартибига таъсирини аниқлашда юқори самарали суюқлик хроматографияси услубида (ЮССХ) компонент таркиби аниқланди. Анъанавий ва ультратовушли экстракция усулида олинган Кукумазим субстанцияси ферментлари хроматограммасида бешта оксил компонентларининг молекуляр оғирлиги 35; 28; 20; 16 ва 12 кДа аниқланди. Икки усулда олинган «Кукумазим» субстанциясининг оксил компонентлари микдорининг нисбати деярли ўзгармаган. (4-расм).



**4-расм.** «Кукумазим» субстанциясининг қиёсий хроматограммаси. анъанавий экстракция \_\_\_\_\_ ультратовуш ишлови \_ \_ \_ \_

«Кукумазим» дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқаришни босқичма босқич назорати. *Carica papaya* қовун дарахти етилмаган мевалари латексидан Кукумазим субстанциясини ишлаб чиқаришни технологик жараёнларини босқичма босқич назорати спектрофотометрик усул ёрдамида амалга оширилди. Маҳсулотнинг технологик жараёнлари бўйича унуми ва йўқотишлари аниқланди (4-жадвал).

**4-жадвал**

***Carica papaya* қовун дарахти етилмаган мевалари латексидан Кукумазим субстанциясини ишлаб чиқаришни босқичма босқич назорати**

№	Тадқиқот объектлари	Хом ашёда сақланишига нисбатан маҳсулотнинг унуми, %	Хом ашёда сақланишига нисбатан маҳсулотнинг йўқотилиши, %
1	Хом ашё (латекс)	100	-
2	Экстракт	93,3	-
3	Шрот	-	6,6
4	Ярим маҳсулот (техник маҳсулот)	91,66	1,64
5	Супернатант (шрот-оксиллар)	-	1,64
6	Механик йўқотишлар	-	1,66
6	Якуний маҳсулот (субстанция «Кукумазим»)	90	-


Жадвалдан кўринадики, ишлаб чиқилган технология бўйича протеолитик ферментлар комплекси - Кукумазим субстанциясини хомашёдан унуми хомашёда сақланишига нисбатан 90% ни ташкил этди. Ҳозирги вақтда охириги маҳсулотни унумини ошириш учун илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

*Carica papaya* қовун дарахти етилмаган мевалари латексидан Кукумазим субстанциясини ишлаб чиқаришни принципиал технологик схемаси.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида *Carica papaya* қовун дарахти етилмаган мевалари латексидан Кукумазим субстанциясини саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технология бўйича хомашё - латекс тарозида (500 гр) (В-1) тортиб олинди ва шиша реакторга (Э-2) солиниб ультратовушнинг 35 кГц тебраниш частотаси остида 0,1М трис НСІ рН 7,4 (5 л) буфери билан гидромодул 1:10 нисбатда 15 дақиқа давомида хона ҳароратида (20-24<sup>0</sup>С) экстракция қилинди. Сўнгра экстракт центрифуга (Ц-4) ёрдамида 30 дақиқа давомида 6000 айл/дақ тезлик билан центрифугаланиб экстракт ажратиб олинди. Ажратиб олинган экстрактдан аммоний сульфат ёрдамида 60% тўйинтириш орқали протеолитик ферментлар комплекси 5-10<sup>0</sup>С ҳароратда 16 соат давомида чўктириб олинди. Чўктирилган ферментлар центрифуга (Ц-4) ёрдамида 6000 айл/дақ тезликда 30 дақиқа давомида ажратиб олинди. Чўкмага тушган ферментлар суспензияси дистилланган сувдв 1:1 нисбатда аралаштирилиб диализ ёрдамида аммоний сульфат тузлари ва экстрагент қолдиқларидан тозалаб олинди. Диализ жараёни 10<sup>0</sup>С ҳароратда 24 соат давомида олиб борилди. Тозалаш жараёни кумуш нитрати билан сифат реакцияси ёрдамида текшириб борилди. Тозаланган ферментлар суспензияси (Кукумазим дори воситаси суспензияси) лиофил усулда (Л-8) куритилди. Куритилган субстанция сифат текширувидан сўнг қадоқлаш бўлимига ўтказилди. Субстанцияни 30 ёки 50 гр дан ёруғлик нури ўтмайдиған идишларга қадоқланди ва пластмасса қопқоқлар билан ёпилиб, парафинлаб, ёрлик ёпиштирилиб тайёр маҳсулотлар омборига топширилди. Технология бўйича маҳсулотнинг унуми хомашёда сақланишига нисбатан 90% ёки хомашё массасига нисбатан 27% ни ташкил этди.

Яратилган технология бўйича ЎзР ФА Ўсимлик моддалри кимёси институти тажриба ишлаб чиқариш корхонасида Кукумазим субстанциясини (протеолитик ферментлар комплекси) ишлаб чиқариш бўйича саноат курилмаси яратилди, ишлаб чиқариш технологияси қайта кўриб чиқилди ва маҳсулотни серияли равишда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

*Carica papaya* қовун дарахти етилмаган мевалари латексидан Кукумазим субстанциясини ажратиб олиш технологияси ЎзР патенти №ІАР05420 билан ҳимояланган.



**5-расм. Кукумазим дори воситаси субстанциясини саноат ишлаб чиқариш принциплал технологик схемаси.**

В-1-тарози; Э-2-экстрактор, М-3-буфер эритмаси учун идиш; Ц-4-центрифуга; Ё-5-оксилларни чўктириш камера; Дс-6-диспергатор, Дз-7- диализатор; ЛС-8-лиофил куритгич.

Диссертациянинг учинчи «**Маккажўхори донлари оксидан альбумин фракциясини саноат ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган бобида Маккажўхори донининг технологик параметрлари, физик кимёвий таркиби, тузилиши ва биологик фаоллигини ўрганишга ҳамда Ўзбекистон 420 ВЛ навидан маккажўхори донлари оксидининг альбумин фракцияси – биологик фаол қўшимчаси ишлаб чиқариш технологиясини яратишга бағишланган натижалар ёритилган.

*Ўзбекистонда маданийлаштирилган маккажўхори донининг кимёвий тадқиқот натижалари.* Юқори сифатли навларни аниқлашда олти хил бодрокланадиган (*Z.mays everta*), кремнийсимон (*Z.mays.indarata*), ширин (*Z.mays.saccharata*) ва тишсимон (*Z.mays.indentata*) Ўзбекистон 601 ЕСВ, Ўзбекистон 306 АМВ, Ўзбекистон 420 ВЛ маҳаллий маккажўхори навлари танлаб олинди. Турли навли донлар таркибининг қиёсий таҳлиллари физик-кимёвий кўрсаткичлари - намлиги, мойдорлиги, кулдорлиги, азот миқдори, оксил таркиби, оксилларнинг фракцион ва аминокислота таркиби ҳамда иммунокимёвий таҳлил, ЮССХ, сканерловчи электрон микроскоп услубларида олиб борилди.

Ўзбекистонда маданийлаштирилган маккажўхори навларининг кимёвий таркиби аниқланди. Тадқиқ қилинган навлар оксил миқдори 8,5 - 11,25% бўйича фарқланиши, ўртача 9,45% ни ташкил этиши, Узб. 420 ВЛ ва шакарли навида эса углевод миқдорининг юқорилиги, мойдорлиги нисбатан камлиги аниқланди. Оксил фракцияларини таҳлил қилиш натижасида дондаги умумий оксилнинг 1/3 қисмини эрувчан оксиллар (альбумин ва глобулинлар) ташкил қилиши аниқланди. Оксил миқдори юқори бўлган навларда спиртда эрийдиган - зеин фракциясининг миқдори юқорилиги аниқланди. Маккажўхори оксиллари асосан спиртда - зеин ва ишқорда эрийдиган - глютелин фракциялардан ташкил топган (5-жадвал).

## Маккажўхори оксилнинг фракцион таркиби

Нав номи	Оқсил умумий миқдори, %	Эрувчан фракциялар миқдори	Альбу-мин	Глобу-лин	Зеин	Глюте-лин
Бодрокланадиган	9,17	26,37	11,98	14,45	37,23	24,06
Кремнийсимон	8,63	23,88	11,06	12,74	35,89	25,42
Ширин	11,25	24,74	10,34	14,40	38,53	22,57
Ўзб.601ЕСВ	9,53	25,86	12,24	13,62	37,88	23,60
Ўзб.306МВ	9,74	25,33	13,70	14,03	38,17	23,21
Ўзб. 420ВЛ	8,54	24,84	11,53	13,34	34,12	26,98

Альбумин ва глобулинлар таркиби асосан ферментлар ва ингибиторлардан ташкил топган. Шунинг учун бизнинг кейинги вазифамиз АФ таркибидаги  $\alpha$ -амилаза ва протеаза ферментларининг ингибитор фаоллиги трипсин ва  $\alpha$ -амилаза фаоллигини тушириш даражаси билан аниқланиб, натижада АФ ингибиторлари нафақат трипсин,  $\alpha$ -амилаза ҳам муҳим ингибиторлик фаоллиги кўрилиб, Ўзбекистон 420ВЛ навида трипсин каби ингибитор фаоллиги бошқа навларга нисбатан миқдори пастлиги яъни 68,27% ва амилаза каби ингибитор фаоллиги 50,13% нисбатан миқдори юқорилиги аниқланди (6-жадвал).

## Ўзбекистонда етиштирилган маккажўхори дони альбумин фракциясининг ингибитор фаоллиги

№	Маккажўхори тишсимон нави	Ингибитор фаоллиги, (%)	
		амилолитик ( $\alpha$ – амилаза)	протеолитик (трипсин)
1	Ўзб. 601 ЕСВ	47,36	92,06
2	Ўзб. 306 АМВ	20,75	96,82
3	Ўзб. 420 ВЛ	50,13	68,27

Ўзбекистон 420 ВЛ маккажўхори нави донлари оқсилларидан альбумин фракциясини (АФ) ишлаб чиқариш технологияси. Ўзбекистон 420 ВЛ навидан АФ ажратиб олишда экстракция жараёни ультратовуш ишлови ёрдамида олиб борилди. Экстракция жараёни 30 дақиқа давомида олиб борилди (7-жадвал).

## «Ўзбекистон 420 ВЛ» маккажўхори донининг АФ миқдори ва ингибитор фаоллиги


Экстракция омиллари		Аралаштириш усули		Ультратовуш усули	
гидро-модуль	экстракция, дак.	АФ миқдори, (%)	ингибитор фаоллиги,	АФ миқдори, (%)	ингибитор фаоллиги, %
1:10	15	12,4	60,0	16,0	57,52
	30	<b>13,6</b>	54,0	<b>18,8</b>	55,42
	60	11,8	61,0	19,3	61,24

АФ унуми ошиши хомашёдаги сувда эрувчан оксилларнинг ультратовушнинг 35 кГц тебраниш частотасида эрувчан ҳолатга ўтиши билан изоҳланди.


АФ нинг биологик қиймати яъни аминокислота таркиби аниқланиб, ультратовуш билан ишлов берилганда аминокислота таркиби нисбатан ўзгармаган. Ультратовуш экстракциясида глутамин, пролин, глицин, аспарагин ва аргининларнинг миқдори ошиши кузатилди. Ультратовуш экстракциясида АФ нинг аминокислота миқдори 1,1% га кўтарилгани аниқланди.

*Ультратовуш услубида ажратиб олинган АФ нинг тузилиши ва биологик хусусиятларига таъсирининг қиёсий таҳлили.* Турли экстракция усуллари билан ажратилган оксил АФ ни микротузилишини ўрганиш, Leol455VP маркали сканерли электрон микроскопи ёрдамида 148 баровар катталаштирилган ҳолда келтирилиб, экстракция жараёни 30 дақиқа давомида ультратовуш ва аралаштиргич услубида олиб борилганда, АФ таркибида муҳим ўзаришлар кузатилмади. Ҳар икки ҳолатда ҳам, оксиллар плато каби бироз сиқилган таркибга эга бўлиб, факатгина ультратовуш экстракциясида қаттиқ тузилишнинг юмшатилишига ва оксил молекулалари тузилишининг тартибли жойлашуви туфайли силлиқ сирт ҳосил бўлишига ёрдам берди.

*АФ компонент таркибини қиёслаш.* Юқори самарали суяқлик хроматографияси (ЮССХ) усули ёрдамида ажратиб олинган АФ нинг хроматограммаси аниқланиб, оксил компонентлари молекуляр оғирлиги (МО): 51,00 кДа; 39,00 кДа; 14,58 кДа; 12,30 кДа; 10,00кДа. ташкил этиб, ультратовуш ёрдамида экстракция қилиб олинган оксил компонентларининг таркиби ўзгармагани кузатилди (6-7-расм).



6-расм. АФ хроматограммаси  
(ультратовушсиз)



7-расм. АФ хроматограммаси  
(ультратовушли)

*Оксил альбумин фракцияси (АФ) ингибиторининг биологик фаоллиги.* АФ ингибитори вазни меъёрловчи биологик фаол қўшимча «Бромелайн» ингибитори билан турдошлигини аниқлаш мақсадида иммунокимёвий таҳлил ўтказилиб, иммунологик турдошлиги аниқланди.

Маккажўхори АФ нинг биологик фаоллигини ўрганиш фармакологлар ёрдамида олиб борилиб, тажрибалар 200-270г оғирликдаги каламушларда ўтказилди. АФ ҳайвонларга 100 мг/кг миқдорда махсус зонд орқали ошқозонга юборилган. Натижада, каламушлар вазнига таъсири ўрганилиб, тажрибанинг дастлабки ва сўнгги кунларида ҳайвонларда ҳеч қандай салбий ҳолатлар аниқланмади.

*АФ нинг каламушлар липид ва углевод алмашинувига таъсири.* Тажриба сифатида 180-200 г вазнли каламушлардан фойдаланилиб, қон зардобидаги умумий холестерин, триглицеридлар, умумий липидлар ва глюкоза миқдори, ҳамда жигарида гликоген миқдори ўрганилиб, назоратга нисбатан қон зардобида холестерин миқдори 32,6% га, триглицеридлар миқдори 28,6% га, умумий липидлар миқдори 39,9% га камайгани аниқланди.


АФ қондаги глюкоза миқдорини 56,2% га туширгани тажрибада кузатилиб, назоратга нисбатан каламушлар жигарида гликоген ҳимоя қилувчи таъсири миқдори назорат каламушларига нисбатан 92,6 % га юқорилиги кузатилиб, натижада Ўзбекистон 420 ВЛ навининг АФ гипохолестеринмик ва гипогликемик фаоллиги аниқланди.

*Ўзбекистон 420 ВЛ маккажўхори донлари оқсилларидан альбумин фракцияси ингибиторлари асосида биологик фаол қўшимча ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси.*

Маккажўхори дони (М-1) тегирмонда майдаланиб, хомашё (В-2) тарозида 1000 гр ўлчаниб, дистилланган сув билан 1:10 нисбатда олиб борилди. Ҳосил бўлган суспензия 24<sup>0</sup>С ҳароратда, 30 дақиқа давомида 35 кГц частотали ультратовуш ваннасида (Э-3) экстракция олиб борилди. Суспензия қаттиқ ва суюқ фазага центрифуга (Ц-4) орқали ажратилди. Супернатант (Ё-5) 60% аммоний сульфати тузи ёрдамида концентрланиб, +4<sup>0</sup>С ҳароратда музлатгичга 16 соатга чўкма ҳосил қилиш учун қўйилиб, чўкма ажратиб олиш учун центрифугаланди (Ц-4). Ҳосил бўлган чўкма дистилланган сувда суюлтирилиб (1:1), (Дс-6) тузлардан ва бошқа моддалардан тозалаш учун 24 соат оқар сувда (Д-7) диализланди. Тузсизлантирилган диализат лиофил қуриштиришга (Л-8) берилди. Натижада альбумин фракциясининг миқдори - 18,8% ни яъни хом ашё массасига нисбатан 198 г. ни ташкил этди.

Яратилган технология бўйича ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти тажриба ишлаб чиқариш корхонаси базасида маккажўхори донлари оксили альбумин фракцияси асосида биологик фаол қўшимча ишлаб чиқариш технологик қурилмаси яратилди, технология қайта кўриб чиқилди ва маҳсулотнинг биринчи стабил намуналари ишлаб чиқарилди.

Маккажўхори донлари оксили альбумин фракцияси ингибиторлари асосида биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш технологияси ЎЗР патентлари билан ҳимояланди (№IAP 04266, (№IAP 05644).



**8-расм. Ўзбекистон 420 ВЛ маккажўхори донидан АФ ни ажратиб олиш технологик схемаси.**  
 М-1 тегирмон, В2- тарози, Э-3 ультратовуш экстрактори, Ц-4 центрифуга, Ё-5 чўктириш камераси, Дс-6 диспергатор, Дз-7 диализатор, ЛС-8 лиофил куритгич.

## ХУЛОСАЛАР

1. *Carica papaya* қовун дарахтининг етилмаган мевалари латексидан Кукумазим дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқаришнинг янги такомиллаштирилган усули тавсия этилди. Юқори тозаликдаги (унуми хом ашёда сақланишига нисбатан 90,0% кам бўлмаган) дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш учун экстрагент сифатида рН7,4 - 0,1М Трис HCl буфериди, 1:10 нисбатда, ультратовушнинг 35 кГц тўлқин тебранишида, 24 °С ҳароратда, 15 дақиқа давомида экстракция қилиш танлаб олинди. Натижада экстракция жараёни давомийлигини қисқартириш, маҳсулот унумини ошириш имконини берди.

2. Кукумазим дори воситаси субстанциясини хом ашёдан экстракция қилиш жараёнларига таъсир этувчи асосий омилларнинг оптимал қийматлари экстракция жараёнини математик усулда режалаштириш йўли билан аниқланди, натижада Кукумазим дори воситаси субстанциясини унуми хом ашё массасига нисбатан 27% ни ташкил этди ёки хом ашёда сақланишига нисбатан 90% чиқим билан олиш имконини беради.

3. Кукумазим дори воситаси субстанциясининг спектрофотометрик усул билан сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилиб, технологик жараён босқичларини назорат қилиш ва стандартлаш учун тавсия этилган.

4. Кукумазим дори воситаси субстанцияси ва «Кукумазим 350 ПЕ» дори воситаси тайёр дори шакли учун Фармакопея мақолалари, субстанция учун саноат ишлаб чиқариш регламенти ишлаб чиқилди ва ЎзР ССВ ФРА «ДВТБ ва ТТ ЭСДМ» ДУК томонидан «Рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома» олинди, суяк –мушак тизими ва бириктирувчи тўқиманинг касалликларини даволашда янги «Кукумазим 350 ПЕ» дори воситаси тайёр дори шакли тиббиёт амалиётига тавсия этилди. Кукумазим субстанцияси ва Кукумазим 350 ПЕ дори воситаси тайёр дори шакли серияли равишда ишлаб чиқаришга тавсия этилган

5. Илк бор Ўзбекистонда етиштирилган маккажўхорининг 6 хил навининг технологик параметрлари ва физик-кимёвий хоссалари аниқланиб, Ўзбекистон 420 ВЛ нави оксил-альбумин фракцияси дори воситасини ишлаб чиқариш учун асосий объект сифатида танланди. Унинг донларидан оксил-альбумин фракциясини ишлаб чиқариш учун ультратовушли экстракцияни қўллаш ва яқуний маҳсулотни лиофил шароитда қуриштириш йўли билан биологик фаол қўшимчани ажратиш олишни янги иқтисодий самарали ишлаб чиқариш технологияси тавсия этилади.

6. Ўзбекистон 420 ВЛ маккажўхори нави донидан ажратиш олинган оксил-альбумин фракцияси (молекуляр оғирлиги 10,0-51,0 кДа, амилолитик фаоллиги 50,13%, протеолитик фаоллиги 68,27% бўлган) гипохолестеринимик, гипогликемик ва вазни меъёрловчи фаоллиги аниқланиб, қандли диабет касалликларида биологик фаол қўшимча сифатида ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.02/30.01.2020.К/Т.104.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ  
РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

**РАХИМОВА ШАХНОЗА ХАКИМДЖАНОВНА**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ СУБСТАНЦИИ  
КУКУМАЗИМ ИЗ ЛАТЕКСА *CARICA PAPAYA* И АЛЬБУМИНОВ  
ИЗ ЗЕРНА КУКУРУЗЫ**

**02.00.10-Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/T1044.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.uzicps.uz](http://www.uzicps.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Садиков Алимджан Заирович  
доктор технических наук

Сагдиев Наиль Жадитович  
кандидат химических наук

**Ведущая организация:** Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSC.02/30.01.2020.K/T.104.01 при Институте химии растительных веществ Узбекистана (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: 71 262-59-13, факс: (99871) 262-73-48) e-mail [plant\\_inst@icps.org.uz](mailto:plant_inst@icps.org.uz), [ixrv@mail.ru](mailto:ixrv@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (регистрационный номер № \_\_\_\_). (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: 262-59-13, факс: (99871) 262-73-48, e-mail: [nhidirova@yandex.ru](mailto:nhidirova@yandex.ru)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Н.С. Нормухаматов**  
Зам. председателя Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.х.н.

**Н.К. Хидирова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.х.н.

**С.Ф.Арипова**  
Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.х.н. проф.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире особое место на фармацевтическом рынке занимают лекарственные препараты, содержащие протеолитические ферменты растительного происхождения. Производство ферментных препаратов занимает одно из ведущих мест в современной биотехнологии и относится к отраслям промышленности, объём продукции, которых постоянно растёт, а сфера применения неуклонно расширяется. В связи с этим, большое внимание уделяется созданию рациональных, экономически эффективных технологий получения высокоэффективных белковых и ферментных препаратов на основе природных соединений путем переработки лекарственных растений.

На сегодняшний день, в мире существует большое количество научных исследований по поиску и изучению растительных источников богатых биологически активными соединениями. Протеолитические ферменты на протяжении многих лет привлекают к себе внимание различных исследователей. Наиболее богатым источником протеолитических ферментов является латекс дынного дерева *Carica papaya*. Фармакологической промышленностью зарубежных стран выпускается более 100 лекарственных препаратов с использованием млечного сока дынного дерева *Carica papaya* («Лекозим», «Лекопаин», «Кариказа», «Карипаин», «Карипазим», «Вобэнзим», «Папаин», и др.), широко применяемые в различных областях медицины.

В настоящее время, в Республике Узбекистан осуществляются широкомасштабные мероприятия по созданию импортозамещающих лекарственных средств на основе местного лекарственного растительного сырья и обеспечению населения качественными и доступными лекарственными средствами. В Стратегии развития Республики Узбекистан (4-направление) изложены задачи по «реализации мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений недорогими, высококачественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями». В связи с этим особую актуальность приобретают исследования, связанные с изучением структуры и активности биологически активных веществ из местного растительного сырья и разработка технологий производства новых эффективных препаратов на их основе.

Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 года № ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», ПФ-5707 от 10 апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли Республики в 2019 – 2021 годах», постановление от 6 мая 2019 года № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки» и результаты исследований, проведенные в рамках

данной диссертации, способствуют достижению целей, изложенных в других правовых нормативных актах, связанных с данным направлением деятельности.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Фитохимическими исследованиями дынного дерева *Carica papaya* мировой флоры занимались ведущие специалисты зарубежных стран: Teixeira da Silva, Moussaoui A. El., Krishna K.M., Satrija F. P. и др. которые проводили различного вида исследования по созданию лекарственных препаратов на его основе.

О фитохимическом и фармакологическом анализе кукурузы большой вклад сделали зарубежные ученые, такие как Alexandru B. GHETE, Naq Nawaz, J. Sun, Tam JP, Wang CK и др. которые проводили физико-химические исследования.

Исследователи стран содружества Независимых Государств, такие как Зузук М., Пенджиев А.М., Крахмалева Т.М., провели фундаментальные исследования, по получению лекарственных средств на основе дынного дерева *Carica papaya*. Роль ингибиторов протеолитических ферментов в злаковых культурах исследовали ученые Валуева Т.А. и Мосолов В.В.

Учёные нашей страны: Юлдашев П.Х., Межлумян Л.Г., Редина Э.Ф., Касимова Т.Д., Хушбактова З.А., Сыров В.Н. и др. внесли огромный вклад при исследовании протеолитических ферментов латекса дынного дерева *Carica papaya*. В результате был внедрен в медицинскую практику препарат, используемый для лечения заболеваний костно-мышечной системы и соединительной ткани, расщепляющий некротическую ткань белковой природы. По выращиванию и созданию новых местных сортов кукурузы Массино И. В., Массино А.И. и др. проводили научные исследования.

Тем не менее, интенсивное развитие исследований в нашей стране по созданию лекарственных препаратов, полученных рациональными способами, на основе местного сырья, является на сегодняшний день актуальным. До настоящего времени исследования, по изучению динамики количественного изменения выхода ферментов, постадийный контроль производства, применение ультразвука при получении субстанции «Кукумазим» не проводились. Также впервые в данной работе представлено исследование химического состава, ингибиторная и фармакологическая активность местных сортов кукурузы.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высших учебных и научно-исследовательских заведений.** Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских проектов Института химии растительных веществ: ИБ-ФА-Т039 «Освоение импортозамещающих новых лекарственных форм на

основе субстанции из латекса дынного дерева *Carica papaya* (2016-2017 гг.), ФА–А11-Т037 «Разработка средств с пребиотической активностью на основе полисахаридов и биологически-активных добавок (БАДов), обладающих антихолестеринимическими свойствами на основе низкомолекулярных белков» (2015-2017 гг.).

**Целью исследования** является разработка технологии производства субстанции лекарственного препарата Кукумазим, новой лекарственной формы «Кукумазим 350 ПЕ» из латекса дынного дерева *Carica papaya*, разрешенного к медицинскому применению при болезнях костно-мышечной системы и соединительной ткани, а также проведение химических исследований для создания биологически активной добавки для коррекции сахара в крови из белков зерна кукурузы Узбекистан 420 ВЛ, культивируемой в Узбекистане.

**Задачи исследования:**

подбор условий экстракции биологически активных веществ из латекса дынного дерева *Carica papaya* и из зерна кукурузы;

